

ЎЗБЕКИСТОН — КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ



И. КАРИМОВ
ЎЗБЕКИСТОН
КЕЛАЖАГИ БУЮК
ДАВЛАТ

Ватан севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН

ОВОЗ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокию»
номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси Нархи:
5 сўм

1993 йил 23 февраль, сешанба № 35. (21.389).

МАНЗИЛИ ОЙДИН МАМЛАКАТ



МУСТАҚИЛЛИК,
ТИНЧЛИК, ҲАМКОРЛИК.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат-лавҳалар.



Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини расман эълон қилганига қарийб бир ярим йил бўлди. Тарихан қисқа бу муддат ичида асрга татигулик босқичлардан ўтиди. Юксак парвозга чоғланган Хумо қуши акс эттирилган давлат тамғаси, уч рангли байроғимиз ҳаётимизга аллақачон сингиб кетди. Утган давр мобайнида Ўзбекистон туғи БМТ пештоқида ҳилпирай бошлади. 1992 йилнинг охири тарихий воқеалар билан яқунланди: мустақил мамлакатнинг биринчи Конституцияси ва давлат мадҳияси қабул қилинди.

Ана шу шонли воқеаларнинг юксак даражаси ва уларга жаҳон афкор-оммасининг муносабати ўз истиқлол ва тараққиёт йўлидан бораётган Ўзбекистон халқи Президенти Ислам Каримов атрофида жипслашганидан, кўзланган мақсад сари оғишмай қадам қўяётганидан дарак беради. Эндиликда нафақат хайрихоҳ дўстларимиз, балки мустақиллигимизни дастлабки пайтда «ҳазм қилолмаган» оғаларимиз ҳам Ўзбекистон тинчлик ва оқилолликни таъминлаган ҳолда тўғри йўлдан бораётганини ошкора тан олмоқдалар.

Ҳа, собиқ Иттифокдаги республикалардан биринчи бўлиб президентлик бошқарувини амалда жорий этган ҳам, кенг миқёсдаги ислохотларни амалга ошириш, жамиятни тубдан ўзгартириш ва янгилаш йўлига ўтиб олган ҳам бизнинг республика бўлди. Ўзбекистон жаҳонга юз тутиб, хоржий мамлакатлар даврасида ўз мавқенини мустақамламоқда. Бундай давлатнинг келажаги буюк!

Ана шу истиқбол уфқлари ҳақида «Ўзбекистон овози» газетаси редакциясига келаётган хабарлардан, телефон қўнғироқларидан ҳам билса бўлади. Мамлакатимиздаги ижобий силжислар, яқин келажадаги ўй ва режаларни кенгроқ ёритиш мақсадида газетамизнинг бугунги сонини «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деган мавзуга бағишладик.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ЎЗ СИЕСАТИДА ХАЛҚНИНГ ЭНГ ЯХШИ ДЕМОКРАТИК АНЪАНАЛАРИГА, ТАРИХИЙ ТАЖРИБАСИГА, УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА, КЕНГ АҲОЛИ ҚАТЛАМЛАРИ ТОМОНИДАН МАЪҚУЛЛАНГАН ЖАМИКИ ҚИММАТЛИ ФАЗИЛАТЛАРГА СУЯНАДИ.

[Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Дастуридан].

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Мамлакатимиз Президент Ислам Каримов Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги фахшароҳи ва мухтор элчиси Брайн Фоллини қабул қилди.

Ислам Каримов икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш даври табиби эканлигини алоҳиди таъкидлади ва тез кунларда Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси очиштига умид билдирди. Зеро, вақт икки мамлакат компания ва фирмалар ўртасида таркиб топаётган алоқаларнинг умумий йўналишларини белгилаб бериш ҳамда тартибга солиш учун битим ва шартномалар имзоланишини қайта-қайта таъқозо этмоқда.

Брайн Фолл Ислам Каримовга Буюк Британия Бош вазири Жон Мейжорнинг самимий саломини топширди ва Буюк Британия ҳукумати Ўзбекистонда яқин кунларда элчихонасини очштига қарор қилганини айтди.

Суҳбат қизғин ва самимий руҳда ўтди.

(ЎзА).

Ўзбекистон—Украина:

ҲАМИША ҲАМКОР, ҲАМНАФАС

Украина ҳукумат делегациясининг Ўзбекистонга расмий ташрифи охирида муҳим ҳужжатлар имзоланди. 20 февраль кўни ташриф ахбороти юзасидан журналистлар билан учрашув бўлди. Учрашувни икки эгалик давлат ҳукуматларининг бошлиқлари — Абдулҳошим Муталов билан Леонид Кучма ўтказишди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ҳукумат бошлиқлари имзолаган тўққизта салмоқли ҳужжатга эътиборни қаратди. Бу ҳужжатлар ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг турли соҳаларини ўз ичига олади. Сандондан ташқари тўловларга, ҳаво ва темир йўл қатновини ривожлантиришга, Ўзбекистоннинг нефть-газ комплексида ва олтин рудани қўлдан келтиришга ҳам ривожлантириш зарур. Журналистлар билан суҳбатда Тамарахонимнинг: «Ғали ва Султон, Украина ва Ўзбекистон» деган маъмури қўнғини сўзлари тилга олингани бежиз эмас.

Украинанинг расмий ҳукумат делегацияси 21 февраль, яқинда кўни Тошкентда Олмаотига жўнаб кетди.

Л. ЛЕВИН,
ЎзА мухбири.

ФАОЛЛАР ЙИГИЛИШИ

Наманганда вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» китоби қандай муҳокама қили-


наётганини кўриб чиқдилар, ундаги асосий қондалардан келиб чиқадиган вазифаларни белгилаб олдидлар. Вилоят ҳокими Б. Раппағиев маъруза қилди.

(ЎзА).

Ислам КАРИМОВ:

ЎЗБЕКИСТОН — КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ. БУ — МУСТАҚИЛ, ДЕМОКРАТИК, ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТДИР. БУ — ИНСОНПАРВАРЛИК ҚОИДАЛАРИГА АСОСЛАНГАН, МИЛЛАТИ, ДИНИ, ИЖТИМОИЙ АҲВОЛИ, СИЕСИЯ ЭЪТИҚОДЛАРИДАН ҚАТЪИ НАЗАР ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАБ БЕРАДИГАН ДАВЛАТДИР.

ЮРТИМИЗНИНГ ИСТИҚБОЛИ — БОЗОР ХИЗМАТ ТАРМОҚЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БИЛАН, ҚЕЛГУСИДА МУЛКНИ ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ ВА ХУСУСИЯЛАШТИРИШ, ЯҚҚАҲОКИМЛИККА ҚАРШИ ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ, РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ВУЖУДГА КЕЛТИРИШ БИЛАН УЗВИЙ БОҒЛИҚДИР.



И. КАРИМОВ
ЎЗБЕКИСТОН
КЕЛАЖАГИ БУЮК
ДАВЛАТ

ИСТИҚБОЛ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Маҳмуджон РАСУЛОВ,

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий
Кенгашининг биринчи котиби



лар жамиятнинг қадамба-қадам барпо этишдан иборат бўлиб, бу жамият Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини кафолатлаши, миллий қадриятлари ва маданиятининг тикланишини, унинг янада маънавий камол топишини таъминлаши керак.

Тараққиётимиз мантқиқи, қўнғини минтақаларда содир бўлаётган воқеалар, қолаверса, энг оддий соғлом фикр ҳам шунинг кўрсатиб турибдики, тартибли, маданиятнинг тикланишини, унинг янада маънавий камол топишини таъминлаши керак. Тараққиётимиз мантқиқи, қўнғини минтақаларда содир бўлаётган воқеалар, қолаверса, энг оддий соғлом фикр ҳам шунинг кўрсатиб турибдики, тартибли, маданиятнинг тикланишини, унинг янада маънавий камол топишини таъминлаши керак.

Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги эълон қилинган бу қийин йўлда қўнғиндан илк қадамлар қисқа давр ичида ойна-Ватанимизнинг халқаро илҳомда кенг таволини, қолаверса, жаҳон ҳамжамиятида унинг обрў-эътибори, таслиқ билан ўсиб бораётганлиги хур дидимизни чинкамияга рағбат топтириш учун мустақам пойдевор яратмоқда.

Бизнинг бахтимизга, бу вазифаларни бажариш учун Ўзбекистонимизда ҳамма нарса муҳайёёр. Мамлакатимизнинг жуғрофий жой-шароитлари қўлай, ери соҳоватли ва серҳосил, ер ости бойликлари эса битмас-тугмасидир. Мамлакатимизнинг энг бебаҳо бойлиги эса бу — унинг шонли аъёнлари, бешиқдан бой тарихга эга бўлган меҳнат-

сева, фидойи, тинчликсевар халқидир. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз Дастурида чинкам мустақил, иқтисодий жиҳатдан кудратли ва демократик Ўзбекистонни барпо этишни бош мақсад қилиб белгилаганда айнан ана шу шарт-шароитларга асосланган эди.

Республикамизда ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигини сақлаб туриш, фуқаролар тотувлиги ва миллатлараро аҳилликни мустақамлаш, бундай улур ва зату мақсадга эришишда барча соғлом кучларни бирлаштириш энг асосий таянччи бўлмоғи зарур.

Ана шу зату мақсадларга эришишнинг йўл-йўриқлари сифатида «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисолисидан ва Республика Олий Кенгаши XI сессиясида сўзлаган дастурий нутқида Республикаси Президенти И. А. Каримов ҳозирги воқеалар асосида партиямиз Дастуриин янада тўлдиради ва ойдиланштиради.

Республика Президенти уртага қўяётган бош вазифа — Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаро-

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

Абдулла
ОРИПОВ,

Ўзбекистон халқ шоири



— Мустақил мамлакат фарзанди бўлиш албатта шарафлиқ. Одам ичининдан галати бир гуруҳни қис этасан. Бор бўйи-баста билан дадил одамлаб бораётган юртимизнинг дўстлари бисёр, шубҳасиз, бироқ унинг дастлабки ютуқларини кўрпайдиган каслар ҳам йўқ эмас. Шундай экан энг аввало, мен аҳилликни тарғиб қилгим келади. Аҳил инсонларнинг юзи ҳам, йўли ва манзили ҳам дўстдир.

Ўзбекининг тупроғи олтин, қўли гул деймиз. Чинданам ҳам тупроғи, ҳам об-ҳавоси, ҳам одамлари бўлакча бу ажиб дийрнинг келажаги ҳам дўстдир бўлиши тайин. Ости-мизда марварид ер жилва қилиб, тепамизда сажий момо офтоб чарақлаб турганидан кейин биз энг шимариб боғу роғлар яратмасек ким яратсин, ахир.

Мустақил мамлакатнинг оддий бир фуқароси эканлигимдан мамнунман. Яна шундай

(Давомини кичкинчи бетда).

ажиб дийрнинг илк мадҳиясини яратиш менга насиб этганидан ҳам чексиз бахтиёрман. Юртбошимиз омон бўлса, биз катта-кичик унинг қўлтигига кириб ҳамжикат бўлсак, иншооллох, ёруғ кунларимиз ҳали олдинда. Ҳар бир ўзбек хондонидан шуду хуррамлик, тўқинчилик қуларлари барқарор бўлмай. Уша ёруғ манзил сари йўлда мен юртимга омонлик ёр бўлсин дейман.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1993 йил 22 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН-КЕЛАЖАГИ

БОБОЛАРИМИЗ ДУНЁНИ ТЕБРАТГАН...



Мухаммад ибн Мусо ХОРАЗМИЙ (780—850) Абу Наср ФОРОБИЙ (873—950) Абу Райхон БЕРУНИЙ (973—1048) Абу Али ибн СИНО (980—1027)





Амир ТЕМУР (1336—1405) Мирзо УЛУГБЕК (1394—1449) Алишер НАВОИЙ (1441—1501) Захириддин Мухаммад БОБУР (1483—1530)

Ислом КАРИМОВ:

ДИЕРИМИЗ КИШИЛАРИ ҚАДИМ ЗАМОНЛАРДАН ЎЗЛАРИГА МАЪЛУМ БЎЛГАН ИНСОНИЯТ БИЛАН ХАМФИКР БЎЛИБ КЕЛДИЛАР, ЯҚИНДАН АЛОҚА БОҒЛАБ ЯШАДИЛАР... БУТУН МАДАНИЙ ОЛАМГА ТАНИҚЛИ ОЛИМЛАР ВА МУТАФАККИРЛАР, САМАРҚАНД, БУХОРО, ШАХРИСАБЗ, ХИВА СИНГАРИ ДАВЛАТЛАР ВА ШАҲАРЛАР ЯРАТУВЧИЛАРИ БЎЛМИШ УЛУҒ АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ ИЖОДИЕТИ ЎЗИНИНГ УЛУҒВОРЛИГИ ВА ГЎЗАЛЛИГИ БИЛАН ҲОЗИРГАЧА ҲАММАНИ ЛОЛ ҚОЛДИРМОҚДА.

Ислом КАРИМОВ:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ЖОНАЖОН УЛКАДАГИ БЕҚИЕС БОЙЛИКНИНГ АБАДУЛ-АБАД ҲАҚИЙИ ЭҒАСИ БЎЛИБ ҚОЛДИ. РЕСПУБЛИКА ЎЗ ОЛТИНИНИ, БОШҚА НОДИР ВА ҚИММАТБАҲО МЕТАЛЛАРНИ МУСТАҚИЛ ҚАЗИБ ЧИҚАРИБ, ҚАЙТА ИШЛАМОҚДА ВА САҚЛАМОҚДА. ЕР, ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИ, БОШҚА ТАБИИЙ БОЙЛИКЛАР, АВЛОД-АЖДОДЛАРИНИНГ МЕҲНАТИ БИЛАН ЯРАТИЛГАН ИҚТИСОДИЙ, ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ВА МАЪНАВИЙ КУЧ-ҚУДРАТ ВА ИМКОНИАТЛАР МИЛЛИЙ БОЙЛИК БЎЛИБ, ОДАМЛАР ФАРОВОНЛИГИНИНГ КАФОЛАТИ, ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЕТ ВА РАВНАҚНИНГ АСОСИ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.



ЕРИМИЗНИНГ УСТИ ҲАМ,

Норбек ҚАЮМОВ,

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири



— Замин саховати туфайли яратилган маҳсулотлар ҳамда олинаётган фойда мустақил давлатимиз миллий даромадининг деярли 45 фоизини ташкил этади.

Биз меҳнатни тўғри ташкил этиб, хўжалиқнинг юртида илгор усуллари кенг жорий этсак, ишлаб чиқариш қучларидан самарали фойдалансак қўзланган мақсадга эришимиз шак-шубҳасиздир.

Бободоҳтонларимиз сўнги йилларда давлатга пахта, галла, сабзавот, пилла, картошка, узум, мева ва бошқа маҳсулотлар топиришда салмоқли натижаларга эришмоқдалар.

Чорвачиликни ривожлантириш — мул-қўлчилик гаровидир. Ҳозирги пайтда республикада 84 та хўжалиқлараро молларни бўрдоқига боқиб қорхоналари мавжуд. «Ўзгўштасаноати» бирлашмасига қарашли иктисослаштирилган қорамол-

ларни бўрдоқига боқиб комплекслари ишлаб турибди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотни янада чуқурлаштириш чоралари тўғрисида»ги қарори қишлоқ хўжалигини тубдан ислох қилишга, мулкчилигининг шаклини ўзгартиришга қаратилган муҳим дастуриламалдир. Унда кўрсатилган қондаларни тўла рўйбоғ чикарсак, ҳеч шубҳа йўқки, деҳқон ҳам эркин нафас олиб, ўзини заминининг ҳақиқий эгаси ҳисоблайди. Бу порлоқ келажакка муҳим заминдир.

Халқимиз фаровонлиги манбаи бўлган соҳа бундан бунён сановатлашган йўлдан бориб, мислсиз ривожланади. Барчамиз аҳли, баҳам-ниҳат интиласк, келажакимизнинг дунчалик буюк бўлишини ўз қўлимиз билан яратамиз.



ИСТИҚБОЛ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

вожланиш йўли халқ хўжалигини ҳозирги оғир аҳволдан олиб чиқиши лозим бўлган устивор йўналишларини аниқ белгилаб беради. Биз орау қилган адолатли демократик давлат учун зарур бўлган ва И. А. Каримов замонидан тақлиф этилаётган асосий қондаларни тўла маъқуллашмиш. Бу қондалар — иқтисодийнинг сиёсат устидан устуниги ва уни маққурадан ҳоли қилиш, унинг давридаги бошқарувда давлатнинг ўрнини юқори кўтариш, ҳаётимизнинг барча жаҳаларида қонуннинг устиворлиги, қўли ижтимоий сиёсат юритиш ва Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, ислохотларни бошқарма-бошқар амалга ошириш каби йўналишлардир.

Халқ фаровонлигини таъминлаш, республикани раванқ топтириш ва иқтисодий тараққиётни ўстиришнинг бош йўли сифатида бундан буён ҳам қишлоқ хўжалигига асосий эътиборни қаратишимиз табиий ҳолдир. Бу эса ўз навбатида қишлоққа давлатнинг ёрдам кўрсатишини, бу соҳани ислохотларни иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан фаол қўллаб-қувватлашнинг тақозо этади.

Авваламбор, бу қишлоқ хўжалиги билан сановат ўртасидаги муносабатларини ва адолатли муносабатликни тиклаш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун маблағларни устуни даражада кўпроқ йўналтириш демакдир. Чунки, бундан мақсад аҳолининг энг зарур озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўла таъминлашдир.

Иқтисодиётда бошланган ислохотларнинг бош йўналиши республикадаги мавжуд хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотларини ўзимизда қайта ишлашни ниҳоятга етказиш, яъни асосан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш даражасига чиқишдир. Радюэлектроника сановати жадал ривожланиб, ўз телевизорларимиз, радиоприйимларимиз, бошқа мураккаб электрон техникаларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. Мама-катимизда ўз автомобилларимизни ишлаб чиқаришдек катта мақсадни амалга оширишда дунёда машҳур бўлган Жанубий Кореянинг ДЭУ ва Германиянинг «Мерседес-Бенц» фирмалари билан ҳамкорлик қилишнинг келажак порлоқдир. Давид айтиш мумкинки, биз сановат ишлаб чиқариши со-


ҚУДРАТИНГ ЮКСАЛГАЙ, УЛУҒ ВАТАНИМ!

Ислом КАРИМОВ:

БУГУН БИЗ БИР НАРСАНИ ТИ КЕЛИБ, ЎЗБЕКИСТОН ДАВ-ЎЗИГА ХОС ВА ҲАҚ МУКАМЛАТИ РОСМАНА КУЧ-ҚУДРАТ МАЛ ҲАМДА БУЮК ДАВЛАТ АНИҚ БИЛАМИЗ: ВАҚТИ-СОАТИ КАСБ ЭТАДИ. ЎЗ БОЙЛИГИГА, ТИЗИМИГА ЭҒА БУЛАДИ.

Анвар ЮСУПОВ,

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва автомобилсозлиги давлат концерни раиси



— Тўғри тармоқни ривожлантиришда асосан ўз қучларимизга таянишга тўғри келяпти. Бироқ муаммоларни ҳал қилишда чет эллик шериклар билан ҳамкорлик алоқаларини мустақамлашмиш. Жанубий Кореянинг «ДЭУ» корпорацияси, Олмоннинг «Мерседес-Бенц» фирмаси ва бошқа бир қатор йирик хорижий фирмалар билан ўзаро манфаатли

шартномалар имзоланди. Албатта, хорижий шериклар ҳамкорлигида замонавий қорхоналар ташкил этиш йўналишини бу йил ҳам изчил давом эттирамиз. Менимча, бундай қорхоналарни биринчи навбатда меҳнат ресурслари ва хом ашё манбаларига — энг аввало, қишлоқ жойларига жиқроқ ҳудудларда қуриш керак. Уларни илгор

технология билан жиҳозланиб, рақобатга бардошли маҳсулотлар ишлаб чиқариш даркор.

Уктам ИСМОИЛОВ,

Ўзбекистон Республикаси Енгил сановат давлат уюшмаси бошқарувининг раиси



— 1992 йил халқимиз учун хайрли бўлди. Енгил сановат ходимлари тармоқни валюта маблағлари билан ҳам мустақил равишда таъминлашга ҳаракат қилишмоқда. Шу мақсадда 1993—1995 йилларда пахта толасини қайта ишлашни 60—70 миң тоннага кўпайтиришмиш.

Янгийўл пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасида бу йил иккита қўшма қорхона барпо этилади. Улардан бирини Хитойнинг «Синь-ян-Гонконг» ҳиссадорлик компанияси би-

лан ҳамкорлигида спорт пойабзали иккинчисида эса Исроилнинг «Лизор» фирмаси ёрдамида болалар оёқ кийими ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Бундан ташқари, яна 15 дан зиёд қўшма қорхона барпо этиш кўзда тутилмоқда. Бу қорхоналарни замонавий технология билан таъминлаш ва аста-секин жаҳон бозорига тайёр маҳсулот билан чиқиш тадбирини кўришимиз. Ҳозирнинг ўзидаёқ маҳсулот экспорт қилиш имкониятларимиз ошиб бормоқда.

Масалан, «Бухоро-Омега» Ўзбекистон Греция қўшма қорхонасида тайёрланган қорқул буюмларига дунё бозорига доллар ҳисобидан нақд пул тўлаш япти.



Бўрибой АҲМЕДОВ: ТЕРАН ТОМИРЛАР

Оққан аридан сув келади, деган нақд бор халқимизда. Бугун биз Ўзбекистоннинг келажак буюклигига ишончимиз қомил экан, бунга биринчи асосимиз халқимиз ўтмишда улуғвор йўлини босиб ўтганлигидир. Ана шу тўпироқ инсониятга неча-неча буюк салафлари берган. Улар билан нафақат юртдошларимиз, балки бутун башариёт фахрланади.




— Бўрибой ака, Сиз улуг аждодларимиз ҳаётини синчиқлаб ўрганган олимишимиздансиз. Айтгинчи, бир замоннинг ўзида дунё тан олган алломалар етишиб чиққанлиги тасодифимиз ёки бунда ҳам бирор қонуният борми? — Илмда, айниқса тарих саҳифаларидан жой олишни илмда тасодиф истисно этилади. Асар тарихимизнинг муайян босқичида номи жаҳонни тутган улуг асллар кетма-кет етишиб чиққан экан, демак, улар ишлаб ўтган замон муҳити, шарт-шароит ана шундай заковатли шахсларга имкон яратган. Мана, Мухаммад ибн Мусо Хоразмиини олинг. Бу ватандошимиз ўзининг «Ал-Жабр вал муқолаба» деган ўлмас асари билан дунё фани тарихида қолган. Буюк мутафаккирининг ана шу ҳашифоти математиканиннг алгебра соҳасига асос бўлган Ал-Хоразмиини Европада алгоритм маъносига билдилади.

Шарқ Арастуси ёки Ал-Муаллим ас-соний, яъни иккинчи муаллим деган унвонга сазовор бўлган ҳамюртимиз Абу Наср Форобийини олинг. Жаҳон маданиятига ниҳоятда улкан ҳисса қўшган бу мутафаккир етмишдан ортқ тилни билганлигига қозир ҳам ҳайратимизнинг чеки йўқ. Абу Райхон Берунийнинг номи ер кўррасида қим билмайдан дейсиз! Орадан неча-неча асллар ўтган, машҳур наомандлар Беруний ҳақида «Бу олими қизқикан соҳаларни санаб чиққидан кўра, қизқикан соҳаларини санаб чиққидан осонроқ» деганлиги бежиз эмас. Берунийдан бор-йўғи етти йил кейин, атиги бир неча километр нарида туғилган Абу Али ибн Синонинг дунё таърихида қолган. Буюк мутафаккирининг ана шу ҳашифоти математиканиннг алгебра соҳасига асос бўлган Ал-Хоразмиини Европада алгоритм маъносига билдилади.

дицина сўзининг ўзаги эканлигини жаҳон билади. — Айни пайтда буюк замондошларимиз нафақат мутафаккир ёки ижодкор, шу билан бирга доно сиёсатчи, оқил юртбоши бўлганликлари ҳам тадиқотчилар томонидан алоҳида таъкидланади...

— Дунёни титратган соҳибқирон бобомиз Амир Темурини олинг. Унинг буюклигига заррача шубҳа қилган одам шу кунларда «Ўзбекистон овози»да чоп этилаётган «Темур тузуқлари» бобларига назар ташласин. Темурийлар салтанати номи билан жаҳонда тарих саҳифасига кириб борган бу зот ўз даврида йирик феодал давлат асосини қўлади. Айнан шу соҳибқироннинг набираси Мирзо Улуғбек яратган кашфиётлари буйича ўзидан олдин ўтган барча ўтмишдошларини қувиб ўтди. Унинг бугунги кунгача сақланиб қолган расадхонасини жаҳон сайёҳлари ҳамон ҳайрат билан томоша қилмоқда. Ҳам шoirлик, ҳам вазирилик ишларини қўшиб олиб борган Алишер Навоий ҳақида ортқича таърифга ҳоҳат бўлмаса керак. Темурийлар авлодидан яна бир заво — Захириддин Мухаммад Бобурнинг дунё адабиёти, илм-фандаги раҳбарлик санъати борасидаги дастхати бетакрордир.

Демак, буюк давлат қуриш учун чоғланган улуг халқимиз ана шундай даҳоларига таяниб эзгу ниҳоятларига албатта етажаклар.



(Давоми учинчи бетда).

ЖАҲОН ВА ЎЗБЕКИСТОН

Ислон КАРИМОВ:

ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ ЛИГИ ИҚТИСОДИЙ РИ- СИАТИНИНГ КЎПТО- ВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТ- ЛАР БИЛАН МУСТАҲҚАМ УЗАРО ФОЙДАЛИ МУНО- САБАТЛАРНИ УРНАТИШГА ҚАРАТИЛГАН ЕНДАШУВ- ЛАРНИ БЕЛГИЛАБ БЕРА- ДИ.

Муҳаммад-Бобур МАЛИКОВ,

Ўзбекистон Республикасининг АҚШ даги фавуллода ва мухтор элчиси

— Илгари Ўзбекистон фуқароси хоржоннинг ҳар қандай мамлакатига албатта Москвадан ижозати билан қадам қўярди. Ҳатто Шарқ мамлакатларига сафарга бориб келинганда ҳам уйимизга Москва орқали кайтардик.

Энди эса мустақил мамлакат сифатида дунёнинг ҳамма бурчаги билан борди-келдини йўлга қўймоқдамиз. Ана шундай тарихий давр деб ҳисоблайман мен Ўзбекистон Республикасининг Америка Қўшма Штатларидаги фавуллода ва мухтор элчиси этиб таъинланганимдан чексиз фахрланаман. Негаки, ер кўрсатининг буюк давлати билан сиёсий ва иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш мустақил олим отабтган Ўзбекистон учун қанчалик катта аҳамият касб этишини чин дилдан ҳис қиламан.

Америка ўз кучини Ўзбекистонга очмоқда. Ана шундай бир паллада зиммамизга қанчалик масъулият юкланганини тасаввур этиш мумкин. Биз фақат Америкадан ўрганишигина эмас, балки айна пайтда уммон ортидаги мамлакат одамларига Ўзбекистон деб аталмиш истиқболли давлат ҳақида тушунча беришни ҳам дилимизга тугиб қўйганмиз.



миз Президентининг Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университетини ташкил этиш ҳақидаги фармони донишмандлик ва жасорат тимсоли бўлди.

Бу каби махсус ўқув масканлари илгари фақат Москвада бор эди. Унда бизнинг миллий кадрларимиз етарли даражада тахсил кўриши дарғумон бўлганлиги ҳақида гапириш ортинча. Энди собиқ иттифок ҳудудига биринчилар қатори ташкил этилган университетимиз нафақат Ўзбекистонга, балки, бутун Марказий Осиё давлатларига, барча қўшни мамлакатларга ҳам хизмат қилиши мумкин. Булардан ташқари, кўплаб хоржлик ватандошларимиз ҳам ўз фарзандларини мазкур университетда ўқитиш истагини билдириб бизга юзлаб мактуб йўллашмоқда.

Олийгоҳимиз жаҳон иқтисодий алоқалари, давлатлараро муносабатлар, халқаро ҳуқуқ, дипломатия ва халқаро журналистика соҳаларида малакали, ҳар томонлама етук мутахассисларни етиштириб беради. Тўрт йил тахсил кўрганлар жаҳон стандартларига мос келувчи «Бакалавр», олти йил ўқиганлар «Магистр» дипломларига эга бўладилар. Ундан кейин яна уч йил ўқитиш истаган йигит-қизлар чет элларда «Фалсафа доктори» номи билан машҳур бўлган илмий ўнвонга ҳам эга бўлишлари мумкин.



Абдурауф МАҚСУДИЙ,


«Эл» халқаро уюшмасининг раиси

— Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён тарихан катта давр ўтмаган бўлса ҳам шу бир ярим йилда қўйилган қадамлар тахсинга лойиқ. Халқаро сиёсат ва иқтисодиёт нуқтани назардан улкан одимлар қўйилмоқда.

Ўзбек халқи фахрланса арзийдиган Конституцияга ҳам эга бўлди. Бу қомус халқаро талаблар ва инсоний ҳуқуқлар таъминланганини жиқатдан барча талабларга жавоб беради. Президент Ислон Каримовнинг «Ўзбекистон — келажги буюк давлат» китобида ҳам бу қомус етарли тушунтириб берилган.

Ҳозирги алғов-далғовли замонда Ўзбекистонимизда кечаётган ҳаётни кўриб яратган Аллоҳга шукр қилишимиз керак. Бу дийрда ҳеч ким оч-яланғоч қолган эмас. Озиқ-овқат нозматлари қиммат эмас. Туркиядаги нарх-навога солиштирсак жуда арзон. Покистонга нисбатан 22 марта арзон. Жаҳонда шундай жойлар борки, бир бурда нон анқонинг уруғи.

Хуллас, ҳар бир соҳада қилинаётган ишларнинг йўли ойдин. Бу йўлнинг нурлари умидбахшидир.




ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

ТОШКЕНТ-1992

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ-ДА ДЕМОКРАТИЯ УМУМИНСОНИЙ ПРИНЦИПЛАРГА АСОСЛАНДИ, УЛАРГА ҚУРА ИНСОН, УНИНГ ҲАЁТИ, ЭРКИНЛИГИ, ШАЪНИ, ҚАДР-ҚИММАТИ ВА БОШҚА ДАХЛСИЗ ҲУҚУҚЛАРИ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ ҲИСОБЛАНДИ.

ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУНЛАР БИЛАН ҲИМОЯ ҚИЛИНАДИ.



Зокиржон АЛМАТОВ,

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-лейтенанти

— Хонадонимизга тинчлик - хотиржамликни ато этсин, топганингизни бараксини берсин, яхшиликка буюрсин... Бундай сўзларни ҳар кун эшитамиз.

Президентимиз И. А. Каримов таъинлаганларидек: «Барча фуқароларнинг қонун олдидаги ҳуқуқий тенглигини ва



Мирзаулуг'бек АБДУСАЛОМОВ,

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг биринчи ўринбосари

— Кун сайин ўзарим, ва айна пайтда мураккаблашиб бораётган ҳаёт, ўсиб бораётган жиноятчилик олдига амалдаги айрим қонуналаримиз талабга жавоб беролмай қолди. Жамият, иқтисодиёт, сиёсат ва одамлардаги дунёқараш ўзгариб туриши табиий.

Эндиликда Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатлар субъекти сифатида инсон ҳуқуқлари умумижамон декларациясига амал қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Финляндияда бўлиб, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Хельсинки ақиқолини қўллашга имзо чекди. Демак, биз янги қонуналар қабул қилишда халқаро ҳуқуқ меъёрига риоя қилиб, ҳур Ўзбекистоннинг буюк келажигини яратишга асос солишмоқдамиз.



Сайдмухтор САИДҚОСИМОВ,

Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети ректори, фалсафа фанлари доктори, профессор

— Келажакда дунё миқёсида катта саловатга ва таъсир кучига эга давлат бўла олишимиз энг аввало замонавий маданиятни, малакани, ишбилармонлик ва тadbirkorlikни ўзда касб этган, тўла маънода ватанпарвар бўлган етук миллий кадрларимизга боғлиқ.

Турли соҳаларда илгор, жаҳонга машҳур кишиларимизгина Ўзбекистонни дунёга олиб чиқиши мумкин. Тараққиётга эришган мамлакатларни биз аввало йирик олимлари, сиёсатчилари, адаблари, маданият арбоблари ва бошқа даҳолари орқали тасаввур қилганимиз каби бутун жаҳон ҳам мустақил Ўзбекистонни унинг етук кадрлари орқали кўпроқ ва яқинроқ билиши мумкиндир. Ана шундай эзгу мақсадни кўзда tutган ҳолда ўтган йили сентябрь ойида Республика-

ЗАМИНИМИЗ БАҲОДИРЛАРГА БОЙ

Собир РУЗИЕВ,

Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт Давлат қўмитаси раиси

— Президентимиз И. А. Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истяқлод ва тараққиёт йўли» китобида жисмоний тарбия ва спортга катта аҳамият билан қараган.

Чунинчи: «Бизнинг заминимиз баҳодирлар ва химоячиларимиз бўлган полковлар ва ботирларга азалдан бой, уларни меҳр билан парвариш қилиб келмоқда. Бугунги кунда ҳамма жойда спортнинг миллий турлари қайта тикланмоқда. Ўзбекистон халқаро спорт ҳамжамиятида додиллик билан ўзини кўрсатмоқда. Биз Тошкентда ёшлик ва саломатликнинг, тинчликнинг абадий ва улғу тимсоли бўлган олимпия ўйинларини ўтказишга тайёрмиз.


Спортчиларимиз мамлакатимиз Президентининг оталарча ғамхўрлигига амалий жавоб беришга шайланмоқда. Улар «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тренер», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» урвонлари жорий этилганидан беҳад мамнун.



ЮРТИМИЗНИНГ ЭНГ АСОСИЙ БОЙЛИГИ

Ислон КАРИМОВ:

ЎЗБЕК ОИЛАСИДА БУГУНГИ КУНДА ЯХШИЛИК ВА ЕРУҒЛИҚ, БОЛАЛАРГА МЕҲР, КАТТАЛАРГА ҲУРМАТ, ЯҚИНЛАРГА ВА БОШҚАЛАРНИНГ ҚАЙҒУСИГА ҲАМДАРДЛИК МУЖАССАМЛАШГАНДИР. ЎЗБЕКИСТОН ШАРҚ МАДАНИЯТИНИНГ ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРИ ЙУЛИДАН БОРИБ, МЕҲМОНДУСЛИК ВА АҲИЛ ДУСТЛИК ЭШИГИНИ КЕНГ ОЧДИ.



Суратлар «Ўзбекистон овози»нинг боситидан олинди.



МАНА, ҳурматли газетхон, Ўзбекистонимизнинг минг бир хазинаси ҳақида, унинг ранг-баранг жилдолари тўғрисида ҳикоя қилинган махсус сон билан танишиб чиқайлик. Чундан ҳам дийрликнинг бебаҳо тарихий ўтқиши, табиий инқоиллар, ер усти ва ер ости бойликлари билан ҳар анча фахрлансак арзийди. Лекин энг катта ва беқеъ бойлигимиз — булар меҳнаткаш, самимий, мард, танти, аҳдига содиқ, фидойи одалариниздир. Уларнинг куч-габрати, шижоати билан ҳар қандай мураккаб вазифаларни ҳал этиш мумкин. Келажги буюк давлат кўриш учун ана шу одамларимиз тоғдай таянч бўлишларига асло шак-шубҳа йўқ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083 ТОШКЕНТ, ГСП, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ 32-УЙ.

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА
«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»
ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

Бош муҳаррир
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

РЕДАКЦИЯЛАР:
Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14.
Иқтисодий ҳаёт — 33-21-43; 32-53-16.
Вилоят муҳбирлари — 33-12-16; 32-57-20.
Хатлар, ахборот ва спорт — 33-34-69; 32-53-97.
«Осиё бозори» — 33-76-04; 32-53-15.
Котибият — 33-72-83; 32-53-06.
Эълон ва билдирувлар — 32-54-14.
Шароф Рашидов фонди — 33-20-36; 32-54-35.
Қабулхона — 32-55-15.

УЗ МУҲБИРЛАРИМИЗ

Анджонда — 4-48-85; Нукусда — 2-42-62;
Бухорода — 3-96-12; Самарқандда — 35-22-90;
Гулистонда — 2-26-22; Урганчда 6-72-60;
Жиззахда — 3-31-86; Термизда — 2-23-01.
Қаршида — 3-25-70;

Навбатчи муҳаррир: У. ФАЙЗИЕВА.

● Бирорта ҳам хат редакция эътиборидан четда қолмайди.
● Эълонлар кечиктирмай чоп этишга қаролат берилади.
● Кўлэмалар ҳажми чегараланмайди.
● Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт матбаа концернининг босмаҳонаси.
● Газетанинг босилиш сифати ҳақида эътирозини қуйидаги телефонга маълум қилишимиз мумкин: 33-34-48.
Газета офсет усулида А-2 форматда босилади.
Тиражи — 165076 нуска.
Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 24.00.
Г-07 № 35: -4 2 3 4 5 6.